

Ҳамзанинг исломга кириши



18:00 / 17.02.2020 6398

(нубувватнинг 6-йили зулҳижжа ойи, милодий 615 йил, сентябрь)

Бир куни Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам Сафо тепалиги яқинида ўтирганларида, олдиларидан ўтиб кетаётган Абу Жаҳл у зотга қаттиқ озор бериб сўкди. Муҳаммад мустафо соллаллоҳу алайҳи васаллам унга ҳеч нарса демадилар.

Абдуллоҳ ибн Жудъоннинг озод қилган чўриси бу хабарни Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламнинг амакилари – Ҳамзага етказди.

Ҳамза ўша пайтнинг энг довурак, баҳодир кишиси эди. Хабарни эшитган Ҳамзанинг ғазаби жунбушга келди ва Байтуллоҳ яқинида одамлар билан гаплашиб ўтирган Абу Жаҳлни излаб топди. Ҳамза Абу Жаҳлнинг олдига етиб бориши билан бошига камон билан қаттиқ урди ва: «Мен жиянимнинг

динида бўлсам-у, ҳали сен уни ҳақорат қиласанми?!» деди. Абу Жаҳл жим қолди. Ҳамза мусулмон бўлдилар. Қурайш кофирлари бундан паришон бўлишди, чунки Ҳамза ўша пайтдаги жамиятда ниҳоятда муҳим ўрин тутар эдилар.

«Ислом тарихи» биринчи китобидан